O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 13 май ЧОРШАНБА
№ 38 (12.153)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак 12 май куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрдилар.**

Олий мартабали меҳмон қадим шаҳарнинг муаззам тарихий обидалари билан танишувни Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади. Ўз даврининг етук алломаси бўлган бу зотнинг илмий мероси бугунги кунда ҳам юксак қадрланади. Мирзо Улуғбек илми нужум бобида тенгсиз олим бўлгани баробарида, илм-фаннинг бошқа соҳаларини ҳам чуқур ўзлаштирган, айни пайтда улкан салтанатни бошқарган. Ли Мён Бак Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий мероси билан таништирилди.

Президентлар Афросиёб музейи, Регистон мажмуи ва Гўри Амир мақбарасини бориб кўрдилар.

Ли Мён Бак Регистон мажмуида миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмасини кўздан кечирар экан, машҳур Самарқанд қоғозига эътибор қаратди. Қадимда шаҳар ҳунармандлари тут новдаси пўстлоғидан қоғоз ишлаб чиқарган. Гарчи, бугун саноатда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган бўлса-да, самарқандлик усталар ота мерос ишини давом эттирмоқда. Уларнинг икки минг йил давомида бузилмай турадиган маҳсулотига сайёҳлик фирмалари ва ҳатто хорижий компаниялар ҳам буюртма беради. Жанубий Корея раҳбарида Самарқанд қоғозининг кашф этилиш тарихи, тайёрлаш технологияси қизиқиш уйғотди.

Олий мартабали меҳмон инсоният даҳосининг тимсоли, меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган Самарқанд обидалари ўзида катта таассурот қолдирганини, бу кўҳна ва навқирон шаҳар зиёрати бир умр ёдида қолишини таъкидлади. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш билан бир қаторда, миллий-маданий қадриятларни тиклаш, осори-атиқаларни асраб-авайлаш, қадимий обидалар атрофини ободонлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлганини қайд этди.

Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди, дейиш учун барча асослар бор. Ташриф асносида давлатлараро миқёсда, вазирлик ва идоралар даражасида кўплаб ўзаро манфаатли келишувларга эришилди. Дўрмон қароргоҳида имзоланган ҳужжатлар икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаган бўлса, Ўзбекистон-Жанубий Корея бизнес-форуми инфратузилмани ривожлантириш, йирик ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, минерал ресурсларни ўзлаштириш, ишлаб чиқаришнинг янги турларини йўлга қўйиш, транспорт соҳасида ҳамкорликка оид ва бошқа қатор келишувлар билан якунланди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Шу билан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи якунига етди.

**Воҳид ЛУҚМОН,**
**Ғолиб ХАСАНОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**



## ФИДОЙИЛИК СИЗГА ХОС

Бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига муҳим ижтимоий вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзланган мақсадлар босқичма-босқич рўёбга чиқаяпти.

Дастурда ўқитувчилар маҳоратларини ошириб бориш каби масъулиятли вазифалар ҳам белгиланган. Шу мақсадда соҳа вакиллари ўртасида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танлови ўтказилиб келинмоқда.

Пойтахтда бўлиб ўтган бу йилги танловнинг республика босқичида вилоятимиз вакили Азиз Ғуломов биринчи ўринни эгаллади. У Чинноздаги 26-умумтаълим мактабида "Информатика ва ҳисоблаш асослари" фанидан сабоқ беради.

**Саид ҲАСАНОВ.**

**СУРАТДА:** "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танлови ғолиби Азиз Ғуломов ўқувчилари даврасида.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Илмий-амалий конференция*

## ИНСОН КАМОЛОТИНИНГ ЎЗАГИ

**Вилоят давлат педагогика институтида "Ёшларда юксак маънавий-маданий, ахлоқий қадриятларни ва бағрикенгликни шакллантириш муаммолари" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ва институт жамоаси ҳамкорлигида ўтказилган анжуманда олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари ўқитувчилари ва талабаларининг ёшлар маънавияти ва таълим-тарбиясига доир ҳамда давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари асосидаги амалий машғулотларига бағишланган маърузалари тингланди.

– Маънавият инсон камолотининг ўзаги ҳисобланади, – деди институт ректори Аброр Ҳазратқулов анжуманнинг очилиш маросимида. – Айниқса, ёшларда юксак маънавий-маданий ва ахлоқий қадриятларни шакллантириш орқали Ватан шаъни ва кучқудратига садоқат, қатъий ишонч руҳини мустаҳкамлаш устувор вазифаларимиздан биридир.

Конференцияда таъкидланганидек, бу борада "Юксак маънавият – енгилмас куч" китоби муҳим қўлланма бўлиб қолмоқда. Анжуманда шу асосда тайёрланган ҳар бир маъруза чуқур таҳлил этилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Бинобарин, Юртбошимиз айтганларидек, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

**Сайёра РАҲМОНҚУЛОВА.**

## ЭКСПОНАТЛАРГА БОЙ МУЗЕЙ

**Чирчиқ шаҳар ўлкашунослик музейи 50 йиллик тарихга эга йирик экспозициялар марказига айланди.**

Чирчиқ шаҳри машинасозлари, энергетиклари, кимёгарлари эришаётган ютуқлар экспонатларда ўз аксини топмоқда.

Бундан ташқари жамоатчилик тақдим этган совғалар учун алоҳида хона ажратилди. Бу ерда шаҳар мактабларида фаолият кўрсатаётган ўлкашунослик клублари тақдим этган археологик материаллар билан ҳам танишиш мумкин.

**Акбар АЛИЕВ.**

## ЯНГИ ЮК ВАГОНЛАРИ

**Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича устувор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бермоқда.**

Нефть ва нефть маҳсулотлари, цемент, кимёвий ва минерал ўғитлар ҳамда бошқа юкларни ташишга бўлган эҳтиёжнинг йилдан-йилга ортиб бораётгани "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг ўз имкониятларини кенгайтиришида муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йил бошидан буён юк ташийдиган темир йўл вагонлари парки учта усти ёпиқ ва 12 та очиқ вагон билан тўлдирилди. Бундай вагонларни серияли ишлаб чиқариш "Қуювмеханика заводи" шўъба корхонасида йўлга қўйилди.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, илгари бундай вагонлар хориждан келтирилар эди. Мамлакатимизда уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши валюта маблағларини тежаш билан бирга янги иш ўринлари ташкил этишга ҳам ёрдам берди.

**ЎзА.**

*Яна тўловлар ҳақида*

## КУЛАСИЗМИ ЁКИ КУЯСИЗМИ?

**Айтайлик, бугун маош олдингиз. Энди рўзғорнинг кам-кўстини бутлашингиз керак. Маошингизни расамади билан тақсимлаш учун рўйхат тузишга киришасиз. Агар рўйхатга коммунал хизмат тўловларини ҳам киритишни унутмаган бўлсангиз, унда сиз намунали истеъмолчи экансиз. Лекин афсуски, ҳамма ҳам сиздек бўлолмаяпти...**

Коммунал тўловларга эътиборсиз фуқаролар "уларнинг бермоғи бор"лигини яхши билишади-ю, аммо натижа кутилганидек бўлмаяпти. Тошкент туманида ҳам бундай истеъмолчилар йўқ эмас.

Ҳозир туман электр тармоқлари идораси 725 та юридик шахс ва 23 минг 886 та хонадонни электр энергияси билан таъминламоқда. Маълумотларга қараганда, корхона ва ташкилотларнинг қарзи 258 миллион сўм бўлса, аҳолиники эса 7 миллиард 63 миллион сўмга яқинлашиб қолган. Хўш, бу қарздорлар кимлар ва улар нима учун тўловни пайсалга солишаяпти?

Қўлимиздаги қарздор ташкилотлар рўйхатига кўз югуртирамиз. "Ҳаёт-файз" ғишт ишлаб чиқариш хусусий корхонаси (26 миллион 700 минг), "Келессувоқава" шўъба корхонаси (42 миллион 800 минг), "Иссиқлик манбаи" корхонаси (22 миллион 100 минг), "Тоштўлабий" агрофирмаси (15 миллион 200 минг)...

Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

– Тўғри, электрдан қарзимиз катта, у кундан-кунга ортиб кетяпти, – деди "Иссиқлик манбаи" корхонаси раҳбари Воҳид Саидов. – Коммунал соҳада кўп нарса бир-бирига боғлиқ. Бизни ҳам тўғри тушунишсин, ахир. Истеъмолчиларга етказиб берилган иссиқлик энергияси ҳақини вақтида йиғиб ололмаяпмиз. Тушум вақтида бўлмаганлиги учун электрдан қарзимиз кўпайиб кетаяпти. Шундай бўлганидан кейин додимизни кимга айтайлик?!

Туман «Сувоқава» ишлаб чиқариш шўъба корхонасидамиз. У ерда бизни қарши олган киши раҳбар йўқлигини ва анча вақт бўлмаслигини айтди. Ҳафсаламиз пир бўлиб турганда, қаердандир раҳбар Зокирбек Тошниёзов пайдо бўлди. Лекин у киши биз билан гаплашишни истамади. Нилож сув тақсимоти бўлими бошлиғи Аҳмаджон Низомов билан суҳбатлашишга тўғри келди.

– Бошидан гапириб берсам, – деди у, – бизга сув Қибрайдаги Қодирий станциясидан, яъни 47 километр узоқдан қувурлар орқали келади. Кунига 13 минг куб сув оламиз. Шундан 10 минг 400 кубини аҳолига тарқатамиз. Қолгани қувурларнинг эскирганлиги, таъмирталаб бўлганлиги оқибатида йўқотиляпти. Бу биринчи муаммо. Кейингиси Қибрай тумани ҳудудига ичимлик сув етказиб беришга сарф бўлаётган электр энергияси учун ҳам маълум миқдорда пул тўлаяпмиз. Нима учун бошқа ҳудуддаги аҳоли сув истеъмол қиладию, сарф-харажатини биз қоплашимиз керак? Туман "Иссиқлик манбаи" корхонаси биздан 11 миллион қарз. Ана шу қарзни тез орада ундиришга умид қилаяпмиз. Шундан сўнг электр энергия бўйича қарзимиздан қутиламиз.

(Давоми 2-бетда).

**Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасалари ўртасида "Баҳорги марафон" тадбири ўтказилди. Унда вилоятдаги мавжуд мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда ўқувчи ёшлар иштирок этди.**

## БАҲОР МАРАФОНИ

Зангиота туманидаги 38-умумтаълим мактаби ҳамда Чирчиқ шаҳридаги 8-сонли мактабгача таълим муассасасида турли спорт мусобақалари ва йўл ҳаракати хавфсизлиги борасида қизиқарли баҳслар бўлиб ўтди.

– Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад фарзандларимизнинг интеллектуал фаоллигини ошириш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборат, – дейди вилоят халқ таълими бошқармасининг маънавий-ахлоқий тарбия ва спорт бўлими раҳбари С. Иноғомова. – Тадбирда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

Бундай тадбирлар болаларда ўз кучига ишонч, ғалабага интилиш, ўзаро ҳамжиҳатлик хислатларини тарбиялайди. Уларнинг "Келажак овози", "Янги авлод" каби кўрик-танловларга бўлган қизиқишини орттиради, йўл ҳаракати қоидалари ҳақидаги билимларини оширишга ёрдам беради.

Тадбирда турли номинациялар бўйича энг яхши иштирок этган гуруҳ, синф ва иштирокчилар аниқланди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Пойтахтдаги Туркистон саройида "Истиқлол юлдузчалари – 2009" болалар ижодий фестивали ўтказилди. Ушбу фестиваль Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди.**

## ИСТИҚЛОЛ ЮЛДУЗЧАЛАРИ

"Истиқлол юлдузчалари – 2009" болалар ижодий фестивалининг шаҳар босқичида 30 та мактабгача таълим муассасаларининг 400 нафарга яқин тарбияланувчилари иштирок этиб, рақс, вокал, мусиқий созлар ижроси, ифодали ўқиш йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, келгусида бу кичкинтойлар орасидан миллий санъатимиз намуналарини жаҳон саҳналарида намойиш этадиган етук истеъдод соҳиблари етишиб чиқади.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс".**

## ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

**Мамлакатимиз раҳбарининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли рисоласи бугун бутун дунёда чуқур илдиз отиб бораётган иқтисодий тангликнинг юртимизга етказиши мумкин бўлган салбий оқибатларини бартараф этишнинг мукаммал дастуриламалига айланиб бораяпти. Шу боис мазкур рисола нафақат юртимиз, балки, дунё жамоатчилиги эътиборини ўзига жалб этаётир.**

Оққўрғон туманининг "Жалойир" маҳалласида ташкил этилган давра суҳбатида китобда илгари сурилган фикр-мулоҳазалар теварагида сўз борди. Унда маҳалла жамоатчилиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олим ва мутахассислар иштирок этди. Тадбир "Адолат" социал демократик партиясининг вилоят кенгаши ташаббуси билан уюштирилди.

Сўзга чиққанлар ҳозирги мураккаб иқтисодий жараёнда аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили эканлигини, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастуридаги мақсад ва вазифаларни бекаму кўст адо этиш барчадан шахсий ташаббускорлик ва фидойилик талаб этажагини алоҳида таъкидладилар.

– Президентимизнинг мазкур рисоласида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари атрофлича таҳлил қилиб берилган, – деди тадбирда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Исмоил Саифназаров. – Маълумки, йирик ривожланган мамлакатларда узоқ йиллардан буён муттасил равишда бюджет тақчиллиги кузатилиб, уларнинг ташқи қарзлари ҳам мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан юқори даражага чиқиб кетган. Ана шундай бир шароитда ҳукуматимизнинг узоқни кўзлаб, мукаммал ўйланган молиявий-иқтисодий сиёсати, содда қилиб айтганда, ислоҳотларнинг аввало инсон манфаатларига хизмат қилдирилаётгани мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва салоҳиятини тобора барқарорлаштирмоқда.

Тадбир давомида Юртбошимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобининг мазмун-моҳиятини аҳоли қатламларига, хусусан, партия аъзоларига кенгроқ тушунтириш учун бошланғич партия ташкилотлари фаоллари иштирокида махсус ўқув-семинарлари, учрашувлар ташкил этишга келишиб олинди.

**Жамшид ҲАМРОЕВ,**
**талаба.**

2009 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

